

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (10.869)

Баҳоси эркин нарҳда

**ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар

**Кечка**  
сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Ал-Авлод» гузарида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла-жамғармаси», «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида Ижтимоий Ҳимоя йили, Наврӯз айёми муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандлари учун суннат тўйи уюштирилди, концерт дастури намойиш этилди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида уюштирилган тадбирда маҳалланинг фаол аёллари, ҳуқуқшунослар, шифокорлар ва ёшлар иштирок этишди.

●**ЎТГАН** кун Сиргели туманидаги «Чош-тепа» ва Алишер Навоий маҳаллаларида Наврӯзи олам муносабати билан байрам тадбири уюштирилди, кам таъминланган оилалар аъзоларига, ногиронларга, кексаларга совғалар тўхфа этилди.

●**БУГУН** Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалла гузарида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Гулбод» ҳамда «Олмазор» маҳаллалари фаол аёллари иштирокида ўтказилган тадбир «Ҳуқуқий маданият—ҳуқуқий давлат пойдевори» деб номланди.

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Исомобод» маҳалла гузарида туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, Тошкент Ислам университети ҳамкорликларида ташкил этилган «Саодат чамани» мактаби тингловчиларининг навбатдаги ўқув машғулотини ўтказилди.

●**КЕЧА** Юнусобод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан жамият тараққиёти ривожига хотин-қизларнинг ролига бағишлаб ўтказилган тадбирда туманнинг фаол аёллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

●**КЕЧА** Шаҳримиздаги «Бўстон» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Миллий халқ ўйинлари» фестивали лойиҳаси доирасида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида мусобақа ўтказилди.

●**КЕЧА** Халқаро бизнес марказида Италия билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва италийлик ишбилармонлар иштирокида бизнес форум уюштирилди. Ушбу тадбир доирасида кооперацион биржа ҳам ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

27 МАРТ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ДЕПУТАТЛАРИ МАЖЛИСНИНГ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИКИШНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР.

«Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирдилар. Келиб тушган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси маромига етказилган сўнг уни иккинчи ўқишда қайтадан кўриб чиқишга қарор қилинди.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси З.Ботирова тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг янада яхшилаш учун мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умарованинг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига доир маърузаси бўйича депутатлар мазкур ҳужжатнинг концепциясини муҳокама қилдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган

фикр алмашувлардан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини унинг концепциясини депутатлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказиш учун рад этди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Санаят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси М.Отанов тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси Бельгия Кириллиги Парламенти билан ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис гуруҳи таркибига Қонунчилик палатаси депутатларини киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

(ЎЗА)

### Кўргазмалар

## СЎНГГИ ЮТУҚЛАР АКС ЭТГАН

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА «OZIQ-OVQAT SANOATI—WorldFood Uzbekistan-2007» 7-ХАЛҚАРО ЎЗБЕК КЎРГАЗМАСИ ҲАМДА «QISHLOQ XO'JALIGI—AgroWorld Uzbekistan-2007» 2-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШINI БОШЛАДИ.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўта муҳим тармоқлари саналмиш озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигини қамраб олган ушбу кўргазмаларнинг ташкилотчиси «ITE Uzbekistan» кўргазмалар компанияси бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, ЕҒ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси каби қатор вазирлик ва идораларнинг расмий қўмағидан фойдаланилди.

(Давоми 2-бетда)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

27 МАРТДА ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНING КЎМИТАЛАРИДА БЎЛАЖАК ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИС КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.



Мажлисларда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳаларни киритилган «Давлат бошқаруви»ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тўзатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Сенаторлар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мазкур қонунларнинг аҳамиятини таъкидлаб, бу қонунлар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг собит-қадам вазифаларини бажаришда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсирини ҳамда масъулиятини кучайтиришга қаратилганлиги алоҳида ургу бердилар. Қонунлар ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи тармоқлари органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаол иштирок этиши учун тақийли-ҳуқуқий шароитлар, ҳуқуқат тўзатишларнинг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакил-

ларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришни белгилайдиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратиб беради.

Юқорида айтиб ўтилган қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини боқимчи-боқимчи тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлиб қолади.

Мазкур қонунлар қондаларининг амалга оширилиши бўлган сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзолари ана шу ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-

рига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни муҳокама қилдилар. Улар ушбу Қонунга мувофиқ Фуқаролик кодексига ва Уй-жой кодексига, «Ғаров тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда узоқ муддатли ипотекали кредитлашни янада ривожлантириш билан боғлиқ соҳаларда ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу нарса ҳам таъкидландики, меҳнатга лаёқатли аҳолининг йўл-йўли бўлиш имкониятларини кенгайтириш асосий мақсади бўлган ипотекали уй-жой кредитлаш тизимини ривожлантиришга мамлакатимизда уй-жой сибсатининг устувор йўналиши деб қаралади. Ана шу мақсадга уй-жой олиш учун фуқароларга кредитлар беришнинг бозор механизмининг тўлақонли фаолият кўрсатиши таъмин этилган қулай ва мақбул шароитлар яратиш орқали эришилади.

(Давоми 2-бетда)

## ЮНЕСКОНИНГ ПАРИЖДАГИ БОШ ҚАРОРГОҲИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН БМТНИНГ ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО) ЎРТАСИДА ЎЗАРО АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ.

## ФРАНЦИЯДА ЖАМҒАРМА ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, қадимий ва ноёб маданиятга эга мамлакат сифатида маълум ва машҳурдир. Амир Темур, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз, кўплаб улуг мутафаккирлар қолдирган бой мерос дунё мижёсида ҳақиқатан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу улуг зотларнинг ақсариятининг юбилейларига бағишланган тантаналар ЮНЕСКО шафелигида халқаро ҳамжамият томонидан кенг нишонлангани бежиз эмас. Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари — бу қайта тикланган қадимий саройлар, миноралар, мақбаралар, масжид ва мадрасалар, майдонларга эга очик осмон остидаги музей, демакдир.

Бугун Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари, мамлакатимизнинг яна қарийб 40 та мезморлик ҳамда маданият объекти ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу халқаро ташкилот иштирокида халқимизнинг беқиёс тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга

оширилмоқда. Ҳар йили дунёнинг турли жойларидан минглаб сайёҳлар, тадқиқотчилар юртимизга келиб, халқимиз мустақиллик йилларида нафақат кўз қорачиқдек асраб-авайлаётган, балки янада бойитилган буюк меросимизни ўз кўзи билан кўришига интилади.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасынинг фаолияти аънаваный миллий санъатимизни кўллаб-қувватлаш, қадимий аънавалар ва замонавийликни ўзига муҷассамлаштирган бой маданиятимизни хорижда кенг тарғиб қилишга қаратилган. У ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, жамғарма ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент Биенналесига ва Фото-Биеннале, Марказий Осиё мамлакатлари ёш режисёрларининг «Ижодий парвоз» иккинчи ёшлар кинофестивали каби тадбирларни ўтказди, Тошкентда Кулолчилик мактабини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Навоий вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар атрофлида таҳлил этилди.

●Тошкентда ҳамширалик таълими бўйича 4-Республика семинари ўз ишини бошлади. Ушбу анжуман Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси доирасида ташкил этилмоқда.

●Мақтабача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув — методика марказида «Болани мактабга тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий ечимлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

●Элликкалча тумани марказида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги ташкилот, муассаса ва корхоналардан 26 таси 92 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка давомида 76 нафар фуқаро ишли бўлди.

●Сирдарёдаги Гулистон тиббиёт коллежининг 540 ўқувчига мўлжалланган замонавий янги биноси фойдаланишга топширилди.

●Самарқанддаги «Дамарик» бозори қайта таъмирланган кенг ва кўркам бинога кўчиб ўтди. Бу ерда 1200 савдо ўрни яратилди, деҳқонларга қулайлик туғдириш учун чойхона, ошхона қурилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омбори барпо этилди.

●Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи Осиё тараққиёт банкнинг 301 миллион сўмлик грантига сазовор бўлганди. Ана шу маблағ ҳисобига замонавий жиҳозлар келтирилиб, янги лабораториялар, компьютер хоналари, тикувчилик цехи ташкил этилди.

●Чирчик шаҳар болалар санъат мактабида болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг М.Ашрафий номи Республика кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

●БМТнинг махсус вакили Марти Ахтисари Косово муаммосини ҳал этиш учун унга фақат мустақиллик бериш лозим, деган фикрда. У ўзининг қарашлари баён этилган расмий маърузасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этди. БМТ бош қотиби Пан Ги Мун Ахтисари режасини кўллаб-қувватлашни таъкидлади.

●АҚШ Конгрессининг Вакилик палатаси Украина ва Грузиянинг НАТОга аъзо бўлиб киришини кўллаб-қувватловчи қонун лойиҳасини қабул қилди. Энди ушбу ҳужжат Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди. Украина ва Грузиянинг НАТОга кириш бўйича ҳаракатларини кўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ Сенати 12 миллиард доллар молиявий ёрдам ажратди.

●108 кишининг ҳаётига зомин бўлган Кузбассдаги «Ульяновская» қондаги портлашдан сўнг Кемерово вилоятида олиб борилган текширувлар ҳулосасига кўра Кузбасс кўмир қонларининг 20 та тайёрлов участкасида жиддий камчиликлар бўлганлиги сабабли иш тўхтатилди.

●Афғонистондаги Гилменд музофотининг пойтахти ҳисобланмиш Лашкарбоғ шаҳрида ҳарбий кийим кийган камикадээ полиция участкаси ёнида ўзини порлатиб юборди. Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида 4 та полициячи ҳаётдан кўз юмди.

●Мамлакатга сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Хитой ўзига хос ноёб иншоот—баландлиги 30 метр ва узунлиги 21 километрлик улкан аждарни қуришни режалаштирмоқда. Бетондан бунёд этиладиган аждар Хэнан марказий провинциясининг Шидзу тоғи атрофида қад ростлайди. Ушбу маҳобатли иншоот Хитойнинг XXI асрдаги кучли тараққиётининг рамзи бўлиб қолади.

●АФР агентлигининг маълумотига кўра, Франция номаълум учар жисмлар билан тўқнашувлар тўғрисидаги махфий материалларни ошкор этишга имконият яратган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлди.

●Япониянинг энг катта автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири «Тойота Мотор» Х-panu ва Alpina V моделидаги машиналарни ўт олдириш тизимидаги камчилик туфайли қайтариб олишни бошлади. Маълумотларга қараганда, компания томонидан 2004 йил августдан 2006 йил 4 июлига қадар ишлаб чиқарилган 50 минг 926 дона автомобилнинг заводида қайтарилиши режалаштирилган.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.





№3 (175) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг сарҳафси

**ИНСОНИЯТ ХАЁТИ УНИ ЎРАБ ТУРГАН ТАБИЙ МУҲИТ БИЛАН ЎЗБИЙ БОҒЛИК БЎЛИБ, ТАБИАТНИНГ БАРЧА ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ЕНГИШГА, МОСЛАШИШГА ИНТИЛАДИ. ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИНИНГ ИДРОКИ, МУШОҲАДАСИ БИЛАН ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИ, ҚУРАДИ, БУНЁД ЭТАДИ.**

Масалан, инсон яшashi учун иморат қура-диган бўлса, қуриладиган жойлардаги ги-ёҳлар, дарахтлар йўқотилиб замин тайёр-ланади, минглаб йиллар бошқа мақсадлар учун хизмат қилган жой кишилар истиқо-мат қиладиган масканга айланади. Шундан қўриб турибдики, одамлар ўзлари учун истиқомат жойлари барпо этар эканлар, та-биатда қандайдир ўзгариш содир бўлади. Инсон қурилиш материали сифатида таби-ий ўрмонларни керагича кесади, демак ўсимлик дунёси қисқаради, атмосфера хаво-

сининг мусаффо бўлишига раҳна солина-ди, тупроқ эрозияга учрайди, ер ости сув-

мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иқтисо-дий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сийёсатнинг асосига айла-ниши лозим. Чунки ушбу муаммонинг ор-тида бутун мустақил давлатимиз, миллат-нинг тақдири ётибди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан мақсад: —инсон саломатлиги, экологик мувоза-натни сақлаш учун, Республикаимизни са-марали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида таби-атдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; —жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

да қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:

—инсониятнинг яшаш муҳити бўлган био-сфера ва экология тизимлари барқарорли-гини сақлаб қолиш. Одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг кел-гуси авлодлари генетик фонди ҳақда га-м-ҳўрлик қилиш;

—Фукарларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида эко-логия фанини жорий этиш;

—жамиятнинг экологик, иқтисодий ва иж-тимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

—ҳар бир лойиҳалаштириладиган, қури-лаётган объектларда экологик экспертиза ўтказишнинг мажбурияти;

—табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатланти-риш;

—табиий ресурсларни тиклаш зарурли-ги, атроф табиий муҳит ва инсон сий-хат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлма-с оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўй-маслик;

—табиатни муҳофаза қилиш вазифалари-ни хал қилиши ошқоралик;

—табиатни муҳофаза қилиш соҳасида мил-лий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

—табиатни муҳофаза қилиш қонун талаб-ларини бузганлиги учун жавобгарлик каби масалаларга жиддий муносабатда бўлиш-дан иборат.

**Д.СУЛТОНОВА,**  
**давлат ноziри**  
**Л.МУХАМЕДЖАНОВ**

## БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК


лари камайиб боради. Табиатга нисбатан кўр-кўрона ёндашиш, унинг бебаҳо неъмат-ларидан, эҳсонларидан аёвсиз фойдаланиш оғир асоратлар қолдириши мумкин. Ўзбе-кистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бо-шқа табиий захиралар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидadır, — деб кўрсат-тилган. Демак, табиатни муҳофаза қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш

—экологик тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

—экологик хавфсизлигини таъминлаш;

—табиат объектлари билан боғлиқ мада-ний меросни асраб қолиш ва келгуси ав-лодга зарар етказмасдан қолдиришдир.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар, қорхона, муассасалар, ширкатлар, шунингдек, айрим хусу-сий ҳўжаликлар ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёни-



**ИНСОН УЧУН УНИНГ САЛОМАТЛИГИДАН ҚАДРЛИРОҚ НАРСА БЎЛМАСА КЕРАК. САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ ЭНГ АВВАЛО ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК. АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТОЗАЛИГИ, ҲАВОНИНГ БЕҒУБОРЛИГИ СОҒЛИГИМИЗ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.**

## ҚОНУН-ҚОЙДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ

Атрофимизга бир назар ташласак, бунга нечо-лик амал қилаётганлигимизни кўралик. Табиатни му-ҳофаза қилиш инсоннинг саломатлигини сақлаш де-макдир. Шу боис ҳам табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқлик масаласи бугунги кунда улкан аҳамият касб этади. Аммо она табиатга бўлган бугунги му-носабатимизни қандай баҳолашимиз мумкин? Ол-тин куз фасли келиб, атроф-муҳитга ўзининг олтин либосини кийгазди. Кетидан қиличани кўтариб киш келади. Табиийки, шаҳримиздаги кўп қаватли уй-ларнинг томини битум (қора мум) билан таъмирлаш ишлари бошланади. Ачинарлиси шундаки, қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилги модда-лар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очик аланга олдириб уларни ёқиш, битум эришда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари юз бермоқда. Бу эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинмаганлигини кўрсат-тади ва «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғри-сида»-ги Қонуннинг (1996 йил 27 декабрь) 24-мод-дасига зидлигини билдиради. Қорхоналар, муассас-алар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини му-ҳофаза қилиш борасида мажбуриятларни бажарма-ганлигидан далolat беради, яъни чиқиндиларни чи-қариши ҳамда зарарли физикавий таъсирини камай-тириш чора-тадбирлари қўрилмаганлиги аниқлан-ди. Бу ҳолатнинг шаҳримизнинг ҳамма уй-жой мул-қдорлари ширкатларида қайтарилмаслигини, қонун-бузарликка йўл қўйилмаслигини истар эдик. Тош-кент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ноziрлари атроф-муҳитга зарар етказганларни аниқ-лаб, бундай ишларга чек қўйиш билан кифоялан-май, экологик соҳа бўйича тарбиявий тарғибот-таш-виқот тушунтириш ишларини олиб бориши ҳам йўлга қўйилган. Айниқса, уй-жой мулкдорлари шир-катлари ва маҳаллалар ҳамда мактабларда ўтказил-ган суҳбатлар ўз самарасини беради, деган умид-дамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Табиатни му-ҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Молия вазир-лиги ва Иқтисодий таъмирлиги билан келишувига кўра 2003 йил 1 майдан бошлаб мамлакатимизда атроф табиий муҳитни ифлослантирганилик ва чи-қиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисидаги махсус қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорга кўра, қайси идорага мансублиги, мулкчилик шакли ва ҳўжалик фаолиятдан қатъи назар атроф табиий муҳитни иф-лослантирувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юри-дик шахслар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқинди ташланганлиги учун компенсация тўло-лари тўлаиди. Компенсация тўловларининг ҳисобот давридани кейинги ойнинг 25 кунига тўлашни бел-гиланган.

Бу қарорни туманлардаги барча ташкилот, қор-хона ва муассасалар раҳбарлари ўз вақтида бажа-ришларини кўтиб қоламиз.

Экологик ҳўқуқбузарларни молиявий жиҳатдан жа-золаш билан табиат аввалги ҳолига қайтмайди. Шун-инг учун яхшииш табиатни ифлослантирмастик, амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилишимиз лозим.

**Орзикул ТУРБОВ,**  
**давлат ноziри**

**ЎТГАН ЯНВАРЬ ВА ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИКЛАРИ УЧУН 120 НАФАР МАСЪУЛИЯТЛИ ХОДИМЛАР ВА 52 НАФАР ФУҚАРОЛАР МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН.**

●«Оқўйлан» МЧЖ гараж мудирини Ш.Усеинов сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасининг муддати ўтганилиги, сувдан фойдаланиш қоидаларини буз-ганлиги учун МЖ кодексининг 74/1 моддасига асосан 20.000 сўм жаримага

## ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

тортилган.

●«Транссервис» МЧЖ ишлаб чиқариш бўйича раҳбари Р.Арифов ҳам сувдан махсус фойдаланиш қоидаларини буз-ганлиги учун МЖ кодексининг 74/1 моддасига асосан 20.000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

●Тошкент Лада» ОАЖ ҚҚ цех энер-гетики З.Муборакжонов яроқсиз люми-несцент лампаларни, цех бошлиги ўрин-босари Р.Аҳмедов маийши чиқиндилар-ни утиллаштириш қоидаларини бузган-ликлари учун МЖ кодексининг 91/1 моддасига асосан ҳар бири 15.000

сўмдан жаримага тортилган.

●3-сонли «Махсус қурилиш» қорхона-сида вақтинчалик бош муҳандис ва-зифасини бажарувчи А.Абдусаматов битта тут дарахтини ўзбошимчилик билан ке-сиб ташлаганлиги учун МЖ кодексининг 162-моддасига асосан 12 420 сўм жа-рима тўлаиди.

●«ЕАЖ «Интермаксусқурилиш» бош ди-ректори Д.Қодиров ишлаб чиқариш лой-иҳасини Давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасисиз рўёбга чиқарганлиги учун МЖ кодексининг 96/1 моддасига асо-сан 20 000 сўм жаримага тортилган.

## ОБЪЕКТЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА Тўғрисида»-ги ҚОНУНИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛИГА МАҚСАМИНИНГ 491-СОНЛИ ҚАРОРИ ОРҚАЛИ ТАСДИҚЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА Тўғрисида»-ги НОЗИМИДА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲА ОЛДИ ВА ЛОЙИҲА ҲўЖАТЛАРИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИДАН ЎТИШИ ЛОЗИМЛИГИ КўРСАТИЛГАН.**

Шунга асосан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг архи-тектура ва қурилиш бош бўшқармаси томонидан қурилишга ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинишидан олдин лойиҳа олди ҳўжатларининг тўлиқ экологик экспертизага жалб этилишига катта эътибор қаратилмоқда. Утган 2006 йил давомида 904 та объектнинг муҳитга таъсири баҳолаш материаллари бўйича Тошкент

шаҳар табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертизаси-нинг ҳулосалари тайёрланган. Ушбу кўрсаткичининг жорий йилнинг январь-февраль ойларида ўсишига эришилди. Ер участкаларини ажратиш жараёнида бюротмачиларнинг атроф-муҳитга таъсири баҳолаш лойиҳалари ишлаб чиқи-либ, экологик экспертизага тақдим этилди, яъни қурилиш мўлжалланган объект лойиҳасида ифлослантирувчи модда-ларни чиқариб ташлаш миқдори ва таркиби, чиқиндилар миқдори ва уларни жойлаштириш, қайта ишлаш бўйича чора-тадбирлар бўйича маълумотлар берилиб, улар экс-перт-мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқилди. Шу асосда экологик экспертиза ҳулосалари тайёрланмоқ-да. Бундан қўзланган мақсад объектларнинг фаолият кўрсати-ши давомида атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини камайитириш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш, атроф-муҳит ҳолатининг салбий ўзгарилишига йўл қўймаслик-дан иборатдир.

**Шукрулла ҲИДОЯТОВ,**  
**экспертиза бўлими ходими**



Бурхон Риқозулов олган суратлар.

## Туманларда

### ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Юнусобод туманида экологик вази-ятни яхшилаш борасида туман халқ таъ-лими бўлими тасарруфидидаги муассасаларда ижобий ишлар қилинмоқда. Ту-ман бўйича 44 та мактаб, 64 та мактаб-гача таълим муассасалари маъмури бўлиб, 2006 йил кузига ва 2007 йил баҳорги мавсумда улар ҳудудларига умумий 4961 туп манзарали дарахтлар экилди. Қўчат-ларнинг парварши билан ўқувчилар-нинг ўзлари шуғулланмоқдалар.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Юнусобод туман халқ таълими бўлимида ўтказил-ган умумий мажлисида экологик вази-ят тўғрисида, уни яхшилаш ишларини мактаб ва мактабгача таълим муассас-аларидан бошлаш кераклиги бора-сида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.


Бундан ташқари сувни тежаб ишла-тиш, очик сув ҳавзаларидан оқилона,

тўғри фойдаланиш, атмосфера ҳавоси муҳофазаси —яъни барг, ҳазон ёқил-ганда қанчалик зарар етказилиши тушунтирилди.

Юнусобод тумани, 4-мавзесида яшовчи аҳоли томонидан табиатни му-ҳофаза қилиш қўмитасига қилинган мурожаатга асосан «Зовур» канали текширилди. Текшириш натижасида Юну-собод-3 мавзесидан бошланган ер ости суви дренаж «Зовур» каналига оқова сувлар тармоғи қўшилиб кет-ганлиги аниқланди. Оқова сувлар тар-моғи бошқармаси раҳбарияти билан канал ҳолати текширилиб, таъмирлан-ди. «Зовур» каналининг тозаллиги тик-ланди.

**С.МАҲАМАТОВ,**  
**Юнусобод тумани давлат ноziри**

## САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жой-лашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) меъморий мажмуаси-да қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғри-сида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳаётларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қури-лиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутмади.

Уйлашмики, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўйиш ниятида бўлган инсонлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топилмади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМО-АТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РА-КАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

СТИР: 206849483  
МФО: 00423  
Х/р: 20212000604589442001  
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

## Умумий миллий дастур — амалда

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

ПОЙТАХТИМИЗДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИгини оширишнинг илмий-амалий ечимларига бағишланган АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЪКУР ТАДБИРДА ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАР, УСЛУБЧИЛАР, ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ, ПСИХОЛОГЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Таъкидланганидек, ёш авлоднинг шахс сифатида шаклланиши, дунёқараши, тафаккурининг ривожини мурак-каб жараёндир. Бу эса тарбиячи-педагоглардан ўз вази-фасига катта масъулият билан ёндашишни талаб этади.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожланти-риш Давлат умумий миллий дастурида тарбиячи-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Шу боис мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари педа-гог кадрларининг касбий маҳоратини ошириш ва қайта тайёрлашга алоқида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда юртимизда олти ярим мингга яқин мак-табгача таълим, жамоатчилик асосидаги таълим-тарбия масканлари, уч ярим мингдан ортиқ қисқа муддатли тар-биявий-ўқув гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мактаб-гача таълим масканларига болаларни кенг жалб этиш, ўғил-қизларни мактабга тайёрлашдек масъулиятли юмуш-ни янада такомиллаштириш — давр талаби. Бунда имко-нияти чекланган болалар ҳам доимий диққат марказида бўлмоғи даркор.

Анжуманда мактабгача таълимининг стандартлаштириш, бу жараённинг педагогик, психологик ва бошқа илмий жиғатлари, новатор педагогларнинг иш тажрибасига оид маърузалар атрофича муҳокама этилди.

**Назкат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

## ФРАНКОФОНИЯ БАЙРАМИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАСИ ДОНО ҚАРИМОВА «ФРАНКОФОНИЯ — 2007» БАЙРАМИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА ТЕАТР ТАНЛОВИДА ГОЛБЛИКНИ ҚўЛГА КИРИТДИ. МАЪКУР ТАДБИР ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ В.ГОГО НОМИДАГИ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, ФРАНКОФОНИЯ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЭЛЧИХОНА ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Франция маданият марказининг педагогика масалалари бўйича мутахассиси Назира Юсупованинг таъкидлашича, Доно Қаримова француз тили бўйича чуқур билимга эга эканлигини намойиш эта олди. Бундан ташқари, у Фран-ция ёшларининг ижтимоий муаммолари ёритилган 15 да-қиқалик пьесани моҳирона ижро этиб, ўзининг бекиёс актёрлик маҳоратини ҳам кўрсата олди. Доно Қаримова Парижга саёҳат йўлланмаси билан тақдирланди.

Н.Юсупованинг сўзларига кўра, театр кўрик-танлови-да Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан келган 16 та талабалар гуруҳи иштирок этди.

Франкофония давлатларининг маданияти, санъатига оид 101 та саволга яна бир республика танлови — би-лимдонлар танлови иштирокчилари жавоб беришлари керак. «Франкофония — 2007» байрам дастури ранг-ба-ранглиги билан ажабли туради.

Жорий йилнинг 23 мартдан 4 апрелга ўзбекистон ёш томошабинлар театрида, В.Гого номидаги маданият марказида ва француз мактабида «Сўз йўли билан Ўзбе-кистонга» бадий ўқиш спектакллари бўлиб ўтади. Томо-шабинлар мумтоз ва замонавий француз адабий асарлари билан танишадилар. Бундан ташқари, А.Навоий, Ф.Ғулум, А.Орипов асарларини француз тилида тинглайдилар.

«Life autrement» ижодий гуруҳи спектакллариин Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам намойиш этади. «Туркистон-пресс» маълумотномаси: Франкофония ха-лқаро кўни 20 мартда нишонланади. 1970 йилнинг айни шу кунда Нигер пойтахтида француз тилида сўзлашадиган давлатларнинг биринчи ҳўкуматлараро ташкилотини ОИҒ тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бугунги кун-да мазкур ташкилот 60 дан зиёд мамлакатлар ва француз тилида сўзлашувчи 181,5 миллион кишини бирлаштиради. ОИҒнинг мақсади француз тилини кенгроқ тарғиб қилиш ва маданий хилма-хиллиқни сақлаб қолишдан иборат. Фран-кофония байрами тил байрами бўлиб жаҳондаги шу соҳа бўйича ягона халқаро тадбир ҳисобланади.

«Туркистон-пресс»

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Улки, чин сўзни ёлгонга қотар, Дурри саминни нажосатқа отар. Чин сўзга ёлгон аралаштирган киши қимматбахор ваҳарни ахлатга отандай бўлади.

Улким, қаноатқа муътод бўлди, Шоҳу гадо тараддуидин озод бўлди. Қаноати одат қилган киши шоҳу гадо миннатидан озод бўлади.

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин, Меҳр боринда ёруғлук кўз тутур зарротдин. Оллоҳ турганда мақсадининг амалга ошишини бандасидан тилаган киши қуёш қолиб, заррадан ёруғлик кутганга ўхшайди.

Улки, ичиб бодани паймонадин, Маст чиқар кўйга хумнонадин, Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби, Қайси ёмон ит, қопагон ит киби.

Майхонадан маст бўлиб кўчага чиққан киши одамларга ёмон ит, тўғрироғи қопагон ит каби ҳамла қилади.

Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин — Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин. Кишининг ҳолини сўзидан билиш мумкин, чунки сўз кишининг кўнглидагидин хабар беради.

Фард киши даврда топмас наво, Ёлғуз ошудин ким эшитмиш садо? Ёлғуз киши дунёдан баҳра тополмайди, чунки бир қўлдан товуш (қарс) чиққанини ким эшитган.

Фиск бари тариқда ёмондур ва порсолик либосида ёмонрок. Ахлоқсизлик барча ҳолда ёмондир ва такводорлик никобида бўлса, янада ёмонрок.

Фалак арусида йўқ меҳру дилраболиги кўп, Нечуки, ҳусну жамол аҳлига вафо била ноз. Гузаларнинг вафою нози кам бўлганидек, тақдир келинчагининг ҳам меҳрибонлиғиу дилраболиғи кўп эмас.

Фосикдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама. Фикр этиб билман не навъ эркин кўнгул хуррамлиғи,

Кўрмадим ҳаргиз сени бир дам чу хуррам, эй кўнгул. Ҳар қанча фикр этмай, кўнгул хуррамлиғи нималигини билмайман, чунки эй кўнгул, бир лаҳза бўлсин, сени хуррам кўрган эмасман.

Фалақдин яхшилик етқай дебон кўнлуни шод этма, Ёмонлиқким етар, ҳоло унут, ўтқанин ёд этма.

Фарзанд ато қиллугин чу одат қилгай, Ул одат ила касби саодат қилгай. Ҳар кимки, атога кўп риоят қилгай, Ўглидин анга бу иш сироят қилгай.

Отага хизмат қилишни одат этган фарзанд бу одати билан саодатга мушарраф бўлади. Ким отасини беҳад ҳурмат қилса, ўглидан ўзига ҳам шундай ҳурмат қайтади.

Фоний, рав, ки ба сарманзили мақсуд расад, Ҳар ки мардона дар ин бодия гом аңдозад. Эй Фоний, йўлга туш, бу биёбонда ким мардона қадам ташласа, мақсад манзилига ўша киши етади.

Фоний, ба коми гулшани гети мабанд дил, Чун мурғи руҳ мепарад аз шохсори умр. Эй Фоний, дунё гулшани давлатига кўнгли боғлама, чунки умр дарахти шохидан жон қуши бир кунни барибир учиб кетади.

Фоний, гар шодият бояд тамаъ биғисил зи халк, 3-он, ки аз ранжи тамаъ дилро расад ҳар дам гапе, Гар бувад дар хотират розе фуру хўру дам мазан,

Чун зи обнои замон мумкин набошад махраме. Бояд аз олам озоди, бирав, озода бош, 3-он, ки бошад олами озодаги хуш оламе.

Эй Фоний, агар шодлик истасанг, халқдан тама қўлини ўз, чунки тама дардидан дилга ҳар нафас ғам етади. Агар кўнглинда бир сиринг бўлса, сабр айлаю, ҳеч кимга айтма, чунки бу замон одамлари орасидан бир сирдош топиш мумкин эмас. Оламдан озод бўлмоқчи бўлсанг, аввало озода бўл, чунки озодалик олами гўзал бир оламдир.

Фалонро, ки даҳл аст аз ҳад бурун Вале як дирам набвадаш харж аз ин. Гузафта нишинад ба ҳар анжуман, Фарози бузурғони бо илму дин.

Ба таърифи мазкур ин шахсро, Тавон гуфт: камхаржи болонишин. Фалончининг даромади ҳаддан ташқари кўп, лекин бу даромаддан бир тийинини ҳам сарф қилмайди. Ҳар бир даврда илму дин арбобларидан тўрға чиқиб ўтиради. Бундай кишига «иззатталаб мумсин» деган таърифи жуда муносибдир.

Фикро чун иллати макру ҳиял созад фақиҳ, Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фикҳ аңдар аст. Агар фақиҳ (шариат олими) фикҳ (шариат илми) ни макру ҳияла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фикҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Хомтама даҳрда ранжурдур. Хомтама — ўринсиз, пуч умидли кишилар — дунёда азобланувчилардур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Хусусий тадбиркор Юсупов Ҳикматилла Абдувалиевич номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2006 йил 31 августда берилган №05-02507 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКРО ҚИЛИНАДИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲСКИМЛИГИ

Буюртма Г- 206

Спорт янгиликлари

Саломатлик — туман бойлик НАВРҮЗГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА

ШАҲРИМИЗДА НАВРҮЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН САЛОМАТЛИК ЮГУРИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда юзга яқин киши — ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ва уларнинг болалари, Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчилари, «Икар» хаваскор югурувчилар клуби аъзолари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, соғломлаштирувчи югуришнинг энг ёш қатнашчиси 9 баҳорни қаршилаган бўлса, энг кекса югурувчи 74 ёшда эди.

Барча қатнашчилар 5 километру 600 метр масофани босиб ўтишлари лозим эди. Югуриш йўналиши эса «Олимпия шон-шухрати» музейи атрофидан бошланиб, Ш.Рашидов, Кичик халқа йўли, Оққўрғон қўчалари бўйлаб, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ёниндан ўтиб, «Динамо» спорт мажмуасида ниҳоясига етди.

Шундай қилиб яқунлар сарҳисобидан сўнг эркаклар ўртасида дастлабки ўринларни ИИВ академиясидан Б.Турсунов ҳамда Р.Каттаҳужаевлар эгаллаган бўлса, аёллар баҳсида «Икар» клуби вакиласи Қадрият Латипова барчадан устун келди.

Ўсмирлар ўртасида омад Рамис Файзиевга қулиб боқди.

Фахрийлар баҳсида эса пойтахт вилоятилик Н.Ибрагимов ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олди. «Икар» клубидан 62 ёшли А.Ногай ҳамда 67 ёшли Е.Солдатовлар кучли учликдан жой олишга муваффақ бўлишди.

Наврўз байрамига бағишланган югуришнинг барча голиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда қимматбахор совғалар топширилди.



СУРАТДА: мусобақанинг голиб ва совриндорлари. Алексей Попов олган сурат


Бокс РУСЛАНИНГ РЕЙТИНГИ БАЛАНД

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ИККИ ЕТАКЧИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БУТУНЖАҲОН БОКС АССОЦИАЦИЯСИ (WBA) ВА БУТУНЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO) ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИ УЧУН БОКСЧИЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Шуниси эътиборлики, WBA йўналиши супероғир вазнида «Оқ Тайсон» номини олган ҳамюртимиз Руслан Чагаевга биринчи, WBO йўналишида учинчи поғона насиб этган.

Бундан ташқари WBO йўналишининг 52 килограмм вазнлилар тоғосида бешинчи поғонани яна бир юртдошимиз Қаҳрамон Орзиқулов эгаллаб турган бўлса, ушбу йўналишнинг 66,5 килограмм вазнида Фарҳод Тожиевга 13, WBA йўналиши 69,5 килограмм вазнида Қувончбек Тойғанбоевга 13-ўрин лойиқ кўрилган.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ



ЎТГАН АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИ. ШАҲАРДАН БИРОЗ ЧЕККАДА, ХАЛҚ ТИЛИДА «РАЗЪЕЗД» ДЕБ АТАЛАДИГАН МАНЗИЛ. АЗИМЖОН ҲАМ БОЛАЛИГИНИ ШУ ЕРДА «КҮЧА ЧАНГИТИБ» ЎТКАЗДИ. ҲАМ ПАЙТДАГИ БОЛАЛАР ГАЗЕТАСИ УНИНГ ҚҮЛИДАН ТУШМАСДИ. КЕЙИНЧАЛИК ГАЗЕТА ЭНИГА ЖУРНАЛ, КИТОБ ҚҮШЛИДИ.

Болалигидан ўқишга иштиёқманд бўлган Азимжонни билим маҳзани бўлган газета-журнал, китоблар қандай яратилиши қизиқтирди.

Ҳамшаҳарларимиз

ҲАМ НОШИР, ҲАМ МАТБААЧИ

тирар, бу сирли дунёга кириб боришни жуда-жуда истарди. Айни шу истак тўлиқсиз ўрта мактабни тугатган Азимжонни Чилонзордаги матбаа билим юртига бошлаб келди. Бу ерда у матбаа иши алифбосидан сабоқ олди. Кейинчалик ушбу соҳага бир умрга боғланди-қолди.

1965 йилда билим юртини тугатган Азимжон 7-сон босмахонага (ҳозирги Тошкент китоб-журнал фабрикаси) ишга борди. Билим юртида олган билимини бу ерда амалий фаолияти билан мустаҳкамлади. Босмахонадаги ўз ишининг устаси бўлган мутахассис борки, устоз деб билиди. Тез орада касби сирларини пухта ўзлаштириб, мустақил ишлаш бошлади. Идрокли Азимжон бировни ака, бировни ука деб, матбаа соҳаси билан боғлиқ ихтисосликнинг барини ўрганишга уринди. Бу орада ҳарбий хизматга ҳам бориб келди. Хизматни тугатгач, жоннажон корхонасига ишга қайтди. Иқтидорли тўфайли уста даражасига ҳам етишди.

Еш мутахассисни матбаачиликнинг нозик жиҳатлари қизиқтирарди. Шу қизиқиш оқибати ўлароқ, ўз устидан тинмай ишлаб, таъриба орттирди. Бу борада олий маълумотли ҳам бўлди. Унинг қобилиятини пайқаган корхона раҳбарияти Азимжонни цех бошлиғи лавозимга тайинлади. Тинимсиз меҳнат қилиб, цех ишини яхши йўлга қўйгани, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга хисса қўшгани учун китоб-журнал фабрикаси маъмурияти уни корхона юраги — ишлаб чиқариш бўлимига бошлиқ этиб тайинлади.

Азимжон бу лавозимда ўзининг энг яхши фазилатларини намойён қилди: корхонадаги барча цехлар фаолияти ишлаб чиқариш бўлими ишга боғлиқ эди. Бўлимнинг вазифаси эса бюуртма топиш, уни цехларга жойлаштириш, ушбу бюуртмалар бўйича цехлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва пировард натижада, сифатли маҳсулотни белгиланган муддатда чиқаришдан иборат эди. Шу ишларнинг барчасини ушбу лавозимда Азимжон тизим раҳбариятининг назарига тушиб, 1986 йилда янги очилган «Меҳнат» нашриёти директори ўринбосари лавозимига лойиқ қўрилди ва унинг меҳнат фаолиятида янги саҳифа — ноширлик бошланди. Энди у нашриёт билан матбаа корхонаси ишини мувофиқлаштириш лозим эди...

Мен Азимжонни илк бор ўшанда учратгандим. Еш, гайратли, тоғни урса талқон қиладиган ҳайбати бор бу йигит қувноқлиги, ҳазилкашлиғи билан эътиборимни тортганди. Бир гапириб, ўз қулабидан йигит тезда давранинг гулига айланди. «Меҳнат» нашриёти, «Ўзбекистон» ва «Ўқитувчи» нашриётлари таркибидан чиққан таҳриратлар негизда ташкил қилинганлиги ва хизмат хоналаримиз бир-бирига яқин жойлашганлиги бос, иккимиз тезда танишиб олдик. «Меҳнат» нашриётида бир неча йил ишлагач, бу иқтидорли мутахассис «Шарк», кейинчалик Абдулла Қодирини номидаги Халқ мероси нашриётига директор ўринбосари лавозимига ўтказилди. Айниқса, «Ўзбекистон» нашриётига директор ўринбосари бўлиб ишлаган даври Азимжоннинг ёдида бир умр қолди. Мамлакатдаги энг катта кўп соҳали бу нашриёт

БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ

МАЛАЙЗИЯДА ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ (ITF) ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЛЕКСАНДРА КОЛЕСНИЧЕНКО ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИДА БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ БЎЛДИ.

Украиналик Людмила Киченок билан бирга халқаро турнирнинг учинчи рақамли жуфтлигини ташкил қилган Александра Колесниченко беллашувларга иккинчи босқичдан киришди. Мазкур жуфтлик ўзининг биринчи учрашувида филиппинлик Денисе Ди ҳамда панамалик Никол Станзиола дуэтни 6:1, 4:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Чорак финалда Япония вакиллари — Шихо Акита ҳамда Ан Ямамотони 6:4, 7:6, ярим финалда иккинчи рақамда сараланган жуфтлик Каи-Чен Чанг (Хитой Тайпейи) ва Рио Лини (АҚШ) 6:4, 5:7, 6:4 ҳисобида етган Александра Колесниченко ва Людмила Киченок дуэти бош соврин учун беллашув ҳуқуқини кўлга киритди.

Финалда ҳамюртимиз украинalik теннисчи билан ҳамкорликда сянганлик ракетка усталари — Зи Жун Янг ҳамда Линг Жун устидан 7:5, 6:3 ҳисобида зафар қучиб, бош совринни кўлга киритди.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАСИ 2008 ЙИЛИ ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН ОЛИМПИАДА ЎЙИНАЛЛАРИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ БЕЛЛАШУВЛАРИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА РОССИЯ ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ БИЛАН ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗДИ.

Пойтахтимиздаги «МХСК» стадионида ташкил этилган ўйин анча кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Унда ҳисобни россиялик ҳужумчи А.Салугин очди.

Танаффус пайтида мураббийлардан тегишли кўрсатмаларни олган ўзбекистонлик чарм тўп усталари иккинчи бўлимни шиддатли ҳужумлар билан бошлашди ва ҳамюртларимиз бир дақиқадан сўнг ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу вазиятда Словения чемпионида тўп сураётган легионеримиз Азиз Иброҳимов аниқ зарба йўллаб, Россия ёшлар терма жамоаси посбони Сергей Бородинни ожиз қолдирди.

Қизиқарли ўтган учрашунинг қолган дақиқаларида ҳар икки жамоа посбони ўз дарвозаси даҳлсизлигини сақлаб қолишга эришди ва ўйинда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

Эслатиб ўтаимиз, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси олимпиада ўйинларининг саралаш босқичида «F» гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз дастлабки икки учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоасини 2:1, Яман футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олти очкони кўлга киритган. Гуруҳдаги яна бир кучли терма жамоа — Жанубий Корея футболчилари ҳам ўзбекистонликлар каби иккита учрашувда рақибларини мағлубиятга учратган.

28 март куни Вадим Абрамов ва Миржалол Қосимов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси саралаш босқичининг учинчи тур учрашувини Жанубий Корея майдонида ўтказди.

Россия ёшлар терма жамоаси 27 март куни ташкил этиладиган иккинчи ўртоқлик учрашувида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари билан куч синашди.

Боҳир БЕК

Мунажжим башорати

ОМАДГА УМИД БОҒЛАСАНГИЗ БЎЛАДИ

29 МАРТ, ПАЙШАНА Ҳа, мунажжимларимиз фикрича, бугун кунингиз омадли бўлиши эҳтимоли кучли. Қўёшинг бугунги ҳолати шундан далолат бераркан. Бинобарин, бугун одамларда совуққонлик, ўз куч-қудратига катта ишонч ҳукм суради ва бу муваффақият рамзи ҳисобланади.

Оламни кезиш, саёхат ва пиёда сайрлар хайрли бўлади. Ҳар қандай қалтис таваккалчиликлар, бекорчилик тақиқланади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни бошлаш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади. Шамол кучидан тўсатдан дераза форточкасининг очилиб кетиши янги танишувлар ва бойликдан хабар берувчи яхшилик белгиси ҳисобланади.

БҮГҮН: — бирон-бир ишни ниҳоясига етказиш; — хизмат сафари, саёхатларга йўл олиш; — ўз имижингиз ва мансабингиз ҳақида қайғуришингиз; — мустақил уддалайдиган ишларингиз билан машғул бўлиш; — муайян чегарада шухратпарастлик ва мансабпарастлик хислатларини намойён этиш;

— оилавий ҳаётингизни йўлга қўйиш тавсия этилади. Узгалар таърибасидан фойдаланиш, ортиқча ўчарлик ва қатъиятнингизни намойён этишдан ўзингизни асранг.

Жигарранг, тўққизил ва яшил рангли кийимлар бугунги кунингизни безайди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 29 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

1.Олий ҳўжалик судининг 2006 йил 5 декабрдаги №10-0510(20)977-сонли қарорига асосан банкрот деб топилган «ВАХТ BИLOL» хусусий корхонаси тугатиш бошқарувчиси томонидан аукцион савдосига чиқарилган, «ВАХТ BИLOL» хусусий корхонасининг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 26-дахада жойлашган мол-мулклари.

Бошлангич баҳоси—889 065 643 сўм. Бошлангич баҳоси—889 065 643 сўм. 2.Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги №10-0617/4020-сонли ҳал қилувчи қарорига асосан банкрот деб топилган «МЕДИТЕКС» МЧЖ нинг тугатиш бошқарувчиси томонидан, «МЕДИТЕКС» МЧЖ нинг, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Дилқаш кўчаси, 2-уйда жой-

лашган ягона ишлаб чиқариш мажмуаси. Бошлангич баҳоси—911 507 545,44 сўм. Ушбу мулклар сотилмаган тақдирда 2007 йил 3,5,10,12 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юрidik ва жисмоний шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ нинг қўлидаги АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 20210000500571452057, МФО: 00425, ИНН: 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001№000004

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲСКИМЛИГИ. Буюртма Г- 206

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2. Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6